ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

209 Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари ва шахар электр транспорти воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ва кайта тайёрлаш тизимида таълим жараёнини такомиллаштириш ва ўкитишнинг замонавий усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўгрисида

Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари ва шахар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва ҳайта тайёрлаш тизимида таълим жараёнини янада такомиллаштириш ва ўҳитишнинг замонавий усулларини жорий этиш маҳсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳарор ҳилади:

1. «Avtotest Report» масъулияти чекланган жамият (кейинги ўринларда «Avtotest Report» МЧЖ деб аталади) томонидан:

автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва ҳайта тайёрлаш буйича «Avtotest» ва «Avtotest 2.0» маҳаллий электрон уҳув ҳуҳлланмалари ишлаб чиҳилганлиги;

автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва ҳайта тайёрлаш буйича таълим муассасалари уҳитувчилари учун ихтисослаштирилган уҳув ҳуҳланмаси яратилганлиги маълумот ҳабул ҳилинсин.

- 2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг:
- «Avtotest Report» МЧЖга ва устав фондида улушларнинг (акцияларнинг)

. Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.



209-модда

камида 51 фоизи «Avtotest Report» МЧЖга тегишли бўлган ташкилотларга Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари ва шахар электр транспорти воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш хукукини бериш;

республиканинг барча минтақаларида «Avtotest Report» МЧЖнинг автомототранспорт воситалари ва шахар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва ҳайта тайёрлаш буйича замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, илғор уҳув воситалари, тренажерлар ва уҳув аэродроми билан жиҳозланган замонавий уҳув-методик комплексларини (кейинги уҳринларда уҳув комплекслари деб аталади) ташкил этиш туҳрисидаги таклифига розилик берилсин.

«Avtotest Report» МЧЖ ўкув комплексларини куриш ва жихозлаш учун ўз маблаглари хисобидан камида 4 млрд сўм инвестиция куйиш мажбуриятини олганлиги кайд этилсин.

3. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари «Avtotest Report» МЧЖнинг мурожаатига кура вилоят марказларига туташ туманларда уқув комплекслари қуриш учун камида 3 га ер участ-калари бепул фойдаланиш учун берилишини бир ой муддатда таъминласинлар.

Тошкент шахри хокимлиги ўкув комплекси куриш учун Вазирлар Махкамасининг «Зарар кўриб ишловчи, иктисодий ночор ва паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган худудларини ва ортикча ишлаб чикариш майдонларини янада макбуллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2014 йил 15 июлдаги 192-сон карорига мувофик берилаётган ер захираси хисобига «САР» авиакомпанияси аэродромининг шаркий кисмида, Сергели тумани, «Бахор» махалласи манзилида жойлашган умумий майдони 3 га ер участкасини ўкув комплекси куриш учун «Avtotest Report» МЧЖга бепул фойдаланиш учун берилишини таъминласин.

- 4. Вазирлар Махкамасининг «Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш хуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2006 йил 2 августдаги 156-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 августдаги ПҚ—1392-сон қарори)» 2010 йил 31 декабрдаги 325-сон қарорининг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 12-сон, 76-модда) қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «2. Белгилаб қуйилсинки, автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва ҳайта тайёрлаш давлат таълим муассасалари, шунингдек Мудофаага кумаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси, «Transkasb» уюшмаси ва Узбекистон Республикаси Автомотоҳаваскорлар кунгилли жамияти, «Avtotest Report» МЧЖ ва устав фондида улушларнинг (акцияларнинг) камида 51 фоизи «Avtotest Report» МЧЖга тегишли булган ташкилотлар томонидан амалга оширилади».



17 (673)-сон

-23 -

209-210-моддалар

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири А.А. Ахмедбаев зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2015 йил 30 апрель, 106-сон